


Австралияда Қуръон кечаси ўтказилади



10:30 / 20.09.2019 1559

IQna Сайтининг хабар беришича, Октябрь ойининг олтинчи куни Фарбий Австралиянинг пойтахти Перт шаҳрида Қуръон кечаси бўлиб ўтади.

Маросимнинг асосий сабабчилари Қуръон ҳофизлари бўлиб, ушбу кеча уларни Қуръони каримни тўлиқ ёд олганликлари билан қутлаш учун ташкил этилади.

Қуръон кечасида қорилар Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони каримни ёд олишга қандай муваффақ бўлганлари ва ушбу шарафли йўлдаги қийинчиликларни қандай ортда қолдирганлари ҳақида сўзлаб берадилар.

Шунингдек маросимда Уламолар сўзга чиқиб, Қуръони каримни ўқиш ва ёдлаш фазилатлари ҳақида марузалар қиладилар.

Кеча сўнгида ҳофизи Қуръонларга совғалар топширилади.

Шуниҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Австралиянинг "Танзил" мадрасаси ҳар йили ҳифз ва тиловат йўналишида Қуръон мусобақаси ташкил этади.